# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 16 июнь, № 122 (7352) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗАРО ИШОНЧ – ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида иштирок этиш учун 14-15 июнь кунлари Душанбе шаҳрида бўлди.**



*Душанбе, 15 июнь. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.*

Осиё — турли дин ва маданиятлар бешиги, улкан табиий ресурсларга бой, инсон капитали ва иқтисодий жиҳатдан жуда тез ўсаётган минтақа. Жаҳонда глобаллашув кескин тус олган бугунги кунда қитъа давлатларини қатор муаммолар ва турли кўринишдаги таҳдидлардан холи, деб бўлмайди.

Жумладан, халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси ва трансмиллий жиноятчилик, иқтисодий бўҳронлар, экологик ва гуманитар инқирозлар қитъа мамлакатлари олдига ўзаро ва кўп томонлама сиёсий мулоқотлар орқали тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланишга эришиш мақсадларини қўймоқда. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) шу жиҳатдан давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро платформа саналади.

Минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича ёндашувларни ишлаб чиқиш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, терроризмнинг барча шакл ва кўринишлари, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш ОҲИЧКнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Кенгашга бугунги кунда Осиё қитъаси ҳудуди ва аҳолисининг 90 фоизини қамраган 27 давлат аъзо. Саккиз мамлакат ва бешта нуфузли халқаро тузилма, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Туркий тилли мамлакатлар Парламент ассамблеяси унинг кузатувчиларидир.

Ҳар тўрт йилда ўтадиган кенгаш саммитига шу вақтга қадар Қозоғистон, Туркия ва Хитой Халқ Республикаси раислик қилган. 2018 — 2020 йилларда Тожикистон Республикаси кенгаш раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммити "Хавфсиз ва янада равнақ топган минтақа сари ягона ёндашув" мавзуида ташкил этилди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 15 июнь куни Душанбе шаҳридаги "Кўҳи Наврўз" саройида бўлиб ўтди. Унда кенгашга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакилларидан иборат 30 дан зиёд делегациялар иштирок этди.

Дастлаб делегациялар раҳбарлари суратга тушиш маросимида қатнашди. Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон саммитни кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида нутқ сўзлади ҳамда иштирокчи мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари замонавий халқаро муносабатлар тизими тобора ортиб бораётган беқарорлик ва кутилмаган ҳодисалар билан изоҳланаётганини таъкидлади. Улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Осиё қитъаси мамлакатлари жиддий хатарларга дуч келмоқда. Бу, аввало, экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги муаммоларидир. Улар ижтимоий низоларнинг асосий манбаи, экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни ташвиш уйғотади.

Бугунги кунда жаҳон ишонч инқирозига юз тутмоқда. Аслида, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч хавфсизлик ва барқарорликнинг энг муҳим шартидир. Назаримизда, ишонч инқирозини бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантиришга қулай шароит яратиш зарур. Шу муносабат билан ўзаро ҳурмат ва жамоавий масъулиятга асосланган кенгашимиз фаолияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб бормоқда, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари хавфсизлик бўлинмас, ишонч унинг фундаментал асоси эканини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тинчликка эришишга қаратилган ҳар қандай форматдаги музокараларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ушбу мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бутун минтақа учун янги стратегик имкониятлар очади.

Ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг радикаллашувига қарши курашиш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам барқарорлик ва фаровонликнинг муҳим шартларидан.

Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилинган, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.


**(Давоми 2-бетда).**


**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ БЕШИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

*(Душанбе шаҳри, Тожикистон Республикаси, 2019 йил 15 июнь)*

Муҳтарам Эмомали Шарипович!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонга Саммитни юксак даражада ташкил этгани учун алоҳида миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Бугунги кунда Кенгаш Осиёда умумий ва бўлинмас хавфсизлик ҳудуди яратиш учун нуфузли халқаро платформа ҳисобланади.

Ҳурматли Саммит иштирокчилари!

Замонавий халқаро муносабатлар тизими тобора ортиб бораётган беқарорлик ва кутилмаган ҳодисалар билан изоҳланади.

Улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Осиё қитъаси мамлакатлари жиддий хатарларга дуч келмоқда.

Бу, аввало, экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги муаммоларидир. Улар ижтимоий низоларнинг асосий манбаи, экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни ташвиш уйғотади.

Бироқ энг муҳими, бугунги кунда жаҳон ишонч инқирозига юз тутмоқда. Зеро, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч хавфсизлик ва барқарорликнинг энг муҳим шартидир.

Барчамиз жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Боз устига, айрим экспертлар, у ҳатто ошкора қуролли тўқнашувга айланиб кетиш эҳтимолини ҳам инкор этмайди.

Энг даҳшатлиси, жамоат онгида ушбу глобал хатарнинг улкан хавфини ҳис қилиш сусайиб бормоқда.

Назаримизда, ишонч инқирозини бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш зарур.

Шу муносабат билан ўзаро ҳурмат ва жамоавий масъулиятга асосланган кенгашимиз фаолияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Осиёда ишонч муҳити ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим.

**Биринчидан**, Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш Осиё минтақасидаги барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланади.

Биз тинчликка эришишга қаратилган ҳар қандай форматдаги музокараларни қўллаб-қувватлаймиз.

Бу борада Россия, Хитой ва Қўшма Штатлар иштирокида Афғонистон бўйича уч томонлама учрашувлар натижаларини мамнуният билан қайд этамиз.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ушбу мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бутун минтақа учун янги стратегик имкониятлар яратишини алоҳида қайд этмоқчиман.

**Иккинчидан,** ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратиш, уларнинг радикаллашувига қарши курашиш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилинган, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция ишлаб чиқилмоқда.

Биз фан, таълим соҳалари ва маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси бўлишга тайёрмиз. Халқ дипломатияси доирасидаги алоқаларни, жумладан, туризм бўйича форумларни ташкил этиш орқали фаоллаштиришни муҳим деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, бу халқларимиз ўртасидаги ишонч ва ўзаро англашувнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Учинчидан,** динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишни таклиф қиламиз.

Хусусан, Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бунинг учун самарали платформа бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тўртинчидан,** ўзаро иқтисодий алоқалар ва минтақавий савдони ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим.

Бунда, аввало, бутун минтақанинг транзит ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини берадиган устувор инфратузилма лойиҳалари ҳақида сўз бормоқда.

**Бешинчидан,** шерикликни бизнес даражасида ривожлантириш барқарор иқтисодий тараққиёт драйвери ҳисобланади.

Ҳамкорлик концепциясига мувофиқ, ушбу соҳада Кичик бизнес бўйича минтақавий форум таъсис этишни таклиф қиламиз.

Ва ниҳоят, бугунги кунда тобора кескин тус олаётган экологик хатарлар ҳам хавфсизлик ва барқарор тараққиётга жиддий таҳдиддир. Орол муаммоси глобал миқёсдаги экологик ва гуманитар ҳалокатдир. У аллақачон Оролбўйи аҳолиси генофонди, ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ аянчли оқибатларга олиб келди.

Орол инқирози оқибатларини бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Айни шу мақсадда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида донорлик маблағларини жалб қилиш ва Оролбўйи минтақасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди ташкил этилди.

Муҳтарам делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли Кенгаш иштирокчилари!

Барчамиз **хавфсизлик — яхлит тушунча ва ишонч эса унинг фундаментал асоси** эканини яхши англаймиз.

Бу борада Осиё минтақасидаги ҳамкорликнинг мавжуд динамикасини сақлаб қолиш муҳим.

Ҳамкорликда изланиш ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиш тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш сингари эзгу мақсадларимизга эришиш имконини беради.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗАРО ИШОНЧ – ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ўзбекистон фан, таълим соҳаларидаги ва маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси бўлишга тайёр эканини билдирди. Мамлакатимиз халқ дипломатияси доирасидаги алоқаларни, жумладан, туризм бўйича форумларни ташкил этиш орқали фаоллаштиришни муҳим деб ҳисоблайди.

Шубҳасиз, бу халқларимиз ўртасидаги ишонч ва ўзаро англашувнинг ошишига хизмат қилади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишни таклиф этди.

Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бунинг учун самарали платформа бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги таъкидланди.

Иқтисодий ўзаро боғлиқлик ва минтақавий савдони ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Бунда, аввало, бутун минтақанинг транзит ва иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини берадиган устувор инфратузилма лойиҳаларига эътибор қаратиш лозим.

Шерикликни бизнес даражасида ривожлантириш барқарор иқтисодий тараққиёт драйвери ҳисобланади. Ушбу соҳада Ҳамкорлик концепциясига мувофиқ, Кичик бизнес бўйича минтақавий форум таъсис этишни таклиф этамиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Саммитда кенгашга аъзо давлатлар делегациялари раҳбарлари Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарларнинг олдини олиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашувларни фаоллаштириш юзасидан ўз қарашларини баён этди. Бу борадаги якдил ёндашувлар, амалий саъй-ҳаракатлар қитъа мамлакатлари ва халқлари фаровонлиги, тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокамалар якунида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш бешинчи саммитининг декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги ўзига ажратилган қароргоҳда Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Абдул Ҳамидни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги шерикликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Савдо, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, туризм ва гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги алоқаларни фаоллаштириш ва қўшма тадбирлар ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммити доирасида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан учрашди.

Ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган Ўзбекистон — Туркия муносабатлари бугунги кунда барча соҳада изчил ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2017 йилда Туркияга, Туркия Президентининг 2018 йилда Ўзбекистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларда янги даврни бошлаб берди. Томонларнинг муштарак интилиши ва саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янги стратегик шериклик босқичига кўтарилди.

Ўзаро савдо ҳажмини кенгайтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили товар айирбошлаш 40 фоиз ўсиб, 2,2 миллиард долларни ташкил этди. Кейинги бир ярим йилда икки мамлакат сармояси иштирокида тузилган қўшма корхоналар сони 2 баробар кўпайиб, 1 минг 62 тага етди.

Давлатимиз раҳбари ушбу учрашув Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Туркия раҳбари Ўзбекистон билан муносабатлар юксак даражага кўтарилганидан мамнунлигини қайд этиб, халқларимизнинг қардошлик ришталарини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга тайёрлигини билдирди.

Музокарада савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро савдони ошириш ва унинг таркибини кенгайтириш, яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан келишиб олинди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига ташрифи ниҳоясига етди.

**ЎзА.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

# Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида узоқ муддатга мўлжалланган ташаббусларни илгари сурди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Бишкек шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида иштироки ва ушбу тадбир доирасида илгари сурган таклифлари хориж жамоатчилик вакиллари томонидан илиқ кутиб олинди.

**Ҳиндистоннинг "The Economic Times" газетаси** шарҳловчилари ШҲТ саммити қатнашчилари Ўзбекистон томонидан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолади. Журналистларнинг фикрича, сўнгги икки йил мобайнида расмий Тошкент олиб бораётган воситачилик сиёсати ва фаол дипломатия туфайли Афғонистондаги курашаётган томонлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни салмоқли даражада "юмшатиш" ва уларнинг позицияларини ўзаро яқинлаштириш борасида катта муваффақиятларга эришилди. Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий конференциянинг саккизинчи йиғилиши (RECCA VIII) жорий йилда Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг афғон тинчлик жараёнида пассив кузатувчидан фаол иштирокчига айланганини яна бир бор яққол намоён этади.

"Мажлис якунида қабул қилинган Бишкек декларациясида Ўзбекистон ва унинг маданият соҳасидаги ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилган", — дейилади **Покистоннинг "Dunya News" телеканали** хабарида. Хусусан, 2018 йил сентябрда Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжумани, 2019 йил апрелда Термизда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш бўйича давлатимиз ташаббуслари юксак эътироф этилади. Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги амалга ошираётган ишлари мақом ва бахшичилик сингари мусиқа санъатининг беқиёс йўналишларини сақлаб қолиш ҳамда янада ривожлантиришга кўмаклашиши қайд этилади.




**Россиянинг "РИА "Новости" ахборот агентлиги** мухбири бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилотида айнан Ўзбекистон вакили — Владимир Норов бош котиб эканлигини эслатиб ўтади. Ўзбек дипломатиясининг фаол саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ ШҲТ маконида ўзаро савдо-сотиқ ва сармояларни ривожлантириш, товарлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

**"Ритм Евразии" портали (Россия)**да ёзилганидек, ШҲТга аъзо мамлакатлар Марказий Осиё давлатларининг сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилишини тўла қўллаб-қувватлайди. Шу маънода, аъзо давлатлар расмий Тошкент ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" махсус резолюцияси қабул қилиниши ҳамда илк маротаба Марказий Осиё давлат раҳбарлари маслаҳатлашув учрашувининг ўтказилишига юксак баҳо берилади.

"ШҲТ саммити чоғида Ўзбекистон Президенти ташкилот маконида кенг миқёсли ҳамкорлик, муҳим минтақавий лойиҳаларни илгари суриш заруриятини таъкидлади, — дейди **"Eurasia Expert" ахборот-таҳлилий гуруҳи** (қароргоҳи Минск шаҳрида жойлашган). Жумладан, Шавкат Мирзиёев Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасини эслатиб, мазкур лойиҳа ўзаро савдони ривожлантириш ва ўзаро инвестициялар оқимини оширишга кучли туртки беришини маълум қилди".

**"CA-NEWS" янгиликлар агентлиги (Бишкек)** журналисти Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТ Иқтисодий форумини мунтазам ўтказиш тўғрисидаги таклифини алоҳида таъкидлайди. "Ўзбекистон Президенти мазкур тадбирни Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф қилди. Ушбу ташаббус ШҲТга аъзо давлатлар ҳамда уларнинг ишбилармонлари ўртасидаги амалий алоқаларни фаоллаштиришга, ўзаро савдо-сотиқ айланмаси ҳажмини орттиришга хизмат қилади".

"Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилиш чоғида Марказий Осиё бундан кейин ҳам ШҲТнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарурлиги ҳақида баёнот берди, — деб ёзади **"24.kg" агентлиги (Қирғизистон)** мухбири. — Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда минтақа нисбатан барқарор, ишончли ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, ШҲТ шаҳар ва минтақаларининг тарихий-маданий меросини оммалаштириш ва туристик салоҳиятини янада тўлиқ намоён этиш бўйича ҳам муҳим ташаббуслар илгари сурилди".

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# КОРРУПЦИЯНИНГ ФАҚАТ ОҚИБАТЛАРИ БИЛАН КУРАШИШ ЯХШИ САМАРА БЕРМАЙДИ

**Унга олиб келадиган ҳар қандай сабаб ва шароитни таг-томири билан йўқ қилишга барча куч ҳамда имкониятлар сафарбар этилиши лозим.**

Олий Мажлис Сенатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Идоралараро комиссия, парламент аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, вазирлик ва идоралар вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг раиси Ниғматилла Йўлдошев олиб борди ва маъруза қилди.

Унда таъкидланишича, мамлакатимизда бу борада муайян ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясига ҳамда 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул режасига қўшилган.

2017 йилда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани эса жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва унга қарши курашишда муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифалари такомиллаштирилди, давлат органларининг ҳуқуқий мақоми қайта кўриб чиқилди.

Давлат хизматчилари ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида одоб-ахлоқ қоидалари тубдан мукаммаллаштирилди.

Давлат органлари ходимларини самарали ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган амалий чоралар кўрилди.

Хусусан, охирги уч йилда давлат хизматчиларининг иш ҳақи ўртача қарийб 60 фоиз, суд, прокуратура, ички ишлар, солиқ, халқ таълими, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда эса бир неча баробар оширилди. Яъни ваколатли мансабдорни порахўрликка етакловчи омиллардан бири — ойлик маошининг камлиги Ўзбекистонда коррупциянинг асосий сабаби сифатида кўрилмаслигини таъминлаш бўйича муҳим амалий қадамлар ташланди.

— Тан олиб айтиш керакки, Президентимизнинг коррупцияга барҳам бериш бўйича тарихий ташаббусларига, эзгу даъватларига ва амалий саъй-ҳаракатларига афсуски, барча ҳам бирдек муносиб жавоб бермаяпти, — дея таъкидлади Н. Йўлдошев ўз маърузасида. — Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 27 майда "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бежиз имзолангани йўқ. Тараққиётнинг янги босқичида яратилаётган кенг имкониятлар, мансабдор ва масъулларга ўз ваколатларини тўлиқ амалга ошириш учун берилаётган ҳуқуқ ва эркинликлар, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан қайсидир амалдорнинг коррупция жинояти устида қўлга олингани ҳақидаги хабарлар тарқалмоқда. Шу жиҳатнинг ўзиёқ Фармонни қабул қилиш ва шу орқали коррупцияга қарши кураш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурати юзага келганини кўрсатди.

Комиссия мажлисида мазкур Фармондан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Ҳужжатда бу борада зарур саъй-ҳаракатларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгиланган. 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ва Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Бундан ташқари, қонунчиликни таҳлил қилиш, ундаги



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

коррупцияга шароит яратадиган қоида ва нормаларни аниқлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу иллатнинг фақат оқибатлари билан курашиш ҳеч қандай самара бермайди. Шу боис коррупцияга олиб келадиган ҳар қандай сабаб ва шароитни таг-томири билан йўқ қилишга барча куч ҳамда имкониятлар сафарбар этилиши шарт.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат идораларининг тегишли бўлинмалари томонидан бевосита аниқланадиган, яъни фақат уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида фош этилиши мумкин бўлган жиноятларни, шу жумладан, мансаб билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Ҳар бир давлат идораси соҳадаги тегишли хавф-хатарларни инобатга олиб, идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ўзининг идоравий дастурини тасдиқлаши зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда барча давлат органлари ва ташкилотлари идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички комиссиялар ишини фаоллаштириш лозимлиги, бунинг учун шахсан раҳбар жавобгар эканига урғу берилди.

Давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламагани ва тегишли баҳо бермагани, шунингдек, жиноятларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйгани учун шахсан жавобгар бўлиши хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида капитал қурилиш ва олий таълим тизимларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси амалга оширилади. Унинг доирасида тўрачилик ва қоғозбозлик билан боғлиқ тўсиқларни бартараф этиш, қонунийликни мустаҳкамлаш каби барча жараён адолатли ва шаффоф тарзда бўлишига эришиш назарда тутилган.

Мажлисда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди. Унга кўра, идоралараро комиссиянинг чора-тадбирлар режаси, "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар, идоралараро комиссия ҳузуридаги эксперт гуруҳи таркиби ва Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилишга қаратилган медиа-режа тасдиқланди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

## Ўзбекистонда «Қозоғистон йили»

# «Халқларимиз бир-бирининг адабиёт ва санъатини соғиниб қолган»

*Ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қадим тарихга бориб тақалади. Миллатларимиз ўртасидаги ушбу алоқалар, ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиши икки томонлама муносабатларни фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Давлатларимиз раҳбарларининг сўнгги йиллардаги саъй-ҳаракатлари барча соҳадаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.*

*Ўтган йили қардош мамлакатда "Ўзбекистон йили" тадбирлари муваффақиятли ўтган бўлса, 2019 йил мамлакатимизда Қозоғистонга бағишланди. Ушбу тадбирлар самараси ўлароқ маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада кучаймоқда. Қуйида дилларни дилларга боғловчи ана шу тадбирлар борасида қозоқ миллатига мансуб ватандошларимизнинг фикрлари билан танишинг.*

**Мекембай ОМАРОВ,**
**Ўзбекистон ва Қозоғистон Ёзувчилар уюшмалари аъзоси, меҳнат фахрийси (Қибрай тумани):**



— Биз Ўзбекистонда "Қозоғистон йили" доирасидаги ҳар бир воқеани катта хурсандчилик билан кутиб оламиз. Тарихнинг қийин дамларида ҳам халқларимиз доимо елкадош бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Ўзбек ва қозоқни умумий тарих, ўхшаш анъана ва одатлар яқинлаштириб туради. Адабиётдаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши, асарларнинг оммавийлашуви халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ана шу жараёнга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида буюк шоир Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарини қозоқ тилига таржима қилдим ва ушбу асар босқичма-босқич умумтаълим мактаблари дарсликларига киритиб борилади.

Фахр билан айтишим мумкинки, Республика қозоқ маданият маркази ташаббуси билан "Туркистон" саройида менинг 70 йиллик юбилейим кенг нишонланди. Унда Қозоғистон халқ артистлари Роза Римбаева ва Нургали Нусипжанов, хизмат кўрсатган артист Майра Илясова, шоир ва оқинлардан Карима Оралова, Нурлан Есенкулов, Нурлибек Мейирман, Анар Жаппаркулова иштирок этди. Буларнинг барчаси икки халқ дўстлиги йўлида янаям шижоат билан ижод қилишга руҳлантириб юборди.

**Дилбар ДУЙСЕБАЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қозоқ тили ва адабиёти бўлими доценти вазифасини бажарувчи:**



— Яқинда талабаларимиз билан Ўзбек Миллий академик драма театрига Кўстанай вилоятининг Илияс Омаров номидаги драма театри ижодий жамоасининг спектаклларини кўришга бордик. Драматик асарлар қозоқ халқининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий маданияти асослари, маънавий қадриятлари, тарихий қиёфасини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Саҳналаштирилган Илияс Есенберлиннинг "Хан Кене", драматург Жолтай Алмашулининг "Қайғуни енгган одам", таниқли композитор Шамши Қалдаяқов ижоди ва ҳаётига бағишланган "Қўшиғимсан ўзинг" асари бизда катта таассурот қолдирди.

Қувонарлиси, ҳар бир намойиш сўнгида томошабинлар қаршисига Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов, театр актёрлари Дилноза Кубаева ва Меҳриддин Раҳматов чиқиб, ўтган йили Қозоғистонда "Ўзбекистон йили" тадбирлари доирасида ўзбек театри санъати тақдим этилганлиги, айниқса, "Абай" спектаклининг ўзбек тилида намойиши қозоқ томошабинлари томонидан катта ҳаяжон билан кутиб олинганини таъкидлашди. Халқларимиз бир-бирининг адабиёт ва санъатини соғиниб қолган.

**Закира НУРГИЗАРОВА,**
**Чирчиқ шаҳридаги 17-умумтаълим мактаби директори:**



— "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистонда "Қозоғистон йили"нинг тантанали очилишига бағишланган байрам тадбирида қатнашиш бизга ифтихор бағишлади. Қозоғистон маданияти ва санъати ҳамда эстрада юлдузлари иштирокидаги катта концерт дастурига гувоҳ бўлдик. Ўйлайманки, уларнинг ёрқин чиқишлари, овозининг жонлилиги ва жарангдорлиги узоқ муддат ёдимизда қолади.

Ўзбекистонда "Қозоғистон йили"нинг ўтказилишидан жуда мамнунмиз. Бу ташаббус ўзбек ва қозоқ халқларининг янада жипслашувига хизмат қилади.

**Нурлан УСМАНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

# ТАФСИЛОТЛАР

## Ҳунармандлар АҚШдаги нуфузли фестивалда қатнашади

*Бухоролик бир гуруҳ халқ амалий санъати усталари АҚШнинг Санта-Фе шаҳридаги халқаро фестивалда қатнашади. "Халқ амалий санъати халқаро бозори" деб номланган ушбу анжуман шу йилнинг 12 — 14 июль кунлари бўлиб ўтади.*

— Бу юртимиз ҳунармандчилигининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир, — дейди ёш ҳунарманд Феруза Мамадова. — Нуфузли фестивалда миллий либосларимиз билан қатнашиб, ўзбек халқ амалий санъатини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқчиман.

Фестиваль ўтказилиши муносабати билан Санта-Фе шаҳри мэри Алан Веббер йўллаган мактубда америкаликларнинг қадимий Бухоро шаҳрида бўлиб, ўзбек ҳунармандлари иши билан яқиндан танишишлари анъанага айлангани, ўз навбатида, АҚШда ўтадиган анжуманда ўзбекистонлик усталар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши баён этилган.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

## Сараланади, қайта ишланади ва экспорт қилинади

*Поп туманида "Namangan agrologistik" маркази фаолият бошлади. Хорижнинг илғор технологияси билан жиҳозланган корхонада мевани саралаш, музлатиш, қайта ишлаш ва қадоқлаш йўлга қўйилган. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми ташқи бозорга чиқарилади.*



Корхонадаги 3200 тонна сиғимга эга музлаткичли омбор мажмуаси газ тизимида ишлайди. Италиядан келтирилган линия ёрдамида соатига 8 тонна мевани саралаш мумкин. Маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган технология эса бир кеча-кундузда 250 тонна олма, 85 тонна олча ва 85 тонна малинани табиий шарбатга айлантиради.

— Технологик линиямизда лимон, мандарин, апельсин сингари цитрус меваларни ҳам қайта ишласа бўлади, — дейди марказ бош технологи Акмал Низомов. — Ҳозирча ишни тасарруфимиздаги ерларнинг 4 гектарида парваришланган малина мевасидан шарбат тайёрлаш билан бошлашни мўлжаллаб турибмиз.

Корхона жамоаси қадоқланган гилоснинг дастлабки туркумини Хитой Халқ Республикасига экспорт қилишга улгурди.

70,8 миллиард сўм сармоя эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа шарофати билан 250 киши учун иш ўрни яратилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).**

## Бир ойда 6 000 000 сўм даромад

*Андижон вилоятида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, Андижон туманининг Чорбоғ маҳалласида яшовчи Бобурбек Маллаев 150 бош қуёндан бир ойда 6 миллион сўм даромад олди.*

— Қозоғистон Республикасидан 8 хил наслли қуён олиб келдим, — дейди Бобурбек. — Улар йилига 30 бошгача насл қолдираркан. Қолаверса, унинг парҳезбоп гўшти ва мўйнасининг бозори чаққон экан. Айни кунларда Хитой давлатидан омихта ем ишлаб чиқарувчи дастгоҳ олиб келмоқчиман. Мақсадим республикамиз аҳолисига зотдор қуёнлар етказиб бериш.

Вилоятда ушбу дастур доирасидаги ишлар давом этмоқда. Биргина Андижон туманининг ўзида май ойида кам таъминланган оилаларга 2 миллиард 224 миллион сўм миқдоридаги маблағ ажратилди.

**Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).**



# 17 июнь — Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни

# ЕР ресурслари таназзули

## энг оғриқли глобал муаммодир

*Чўлланиш ва қурғоқчилик бугун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммога айланган. Шундай экан, бунга қарши ҳамжиҳатликда кураш олиб бориш жуда муҳим. Бинобарин, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюцияга биноан, "17 июнь — Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни" сифатида белгилангани ҳам бежиз эмас.*



*Юртимизда бу борадаги энг оғриқли муаммо Орол денгизи оқибатлари билан боғлиқ. Чунки айнан шу ердан кўтариладиган чанг-тўзонлар ер ресурсларининг таназзулига сабаб бўлиши баробарида, бошқа кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳам юзага келтирди. 2000 — 2018 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларида 8 миллион гектардан ортиқ экин майдонлари шўрланиб, 1 миллион гектардан зиёд ер эрозияга учрагани бунинг тасдиғидир.*

Ўзбекистонда чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш бўйича олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси зиммасига ўрмонларни қайта тиклаш ва иҳота ўрмонларини кўпайтириш, қурғоқчиликка қарши курашиш масалалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш борасида бир қатор устувор вазифалар юкланди. Пировардида жорий йилнинг беш ойи мобайнида ўрмон фонди ерларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида 5,1 минг гектар ёнғоқзор, суғориладиган ерларда 400 гектардан ортиқ тераκзорлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Оролбўйидаги экологик муҳитни яхшилаш мақсадида денгизнинг қуриган қисмида шу йилнинг ўзида 500 минг гектар "яшил қалқон" барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Чунки Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича 2019 — 2023 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" доирасида Орол чекинган ҳудудида олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилади.

Шу билан бирга, жорий йил баҳорида ўрмон хўжаликлари томонидан 900 гектардан зиёд майдонда иҳота дарахтзорлари ташкил этилди. Йил якунига қадар у 2500 гектарга етказилади.

Республикамизнинг чўл минтақаларида чўлланиш ва қурғоқчилик кузатилаётган ҳудудларни хатловдан ўтказиш бўйича Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан музокаралар олиб борилялти. Натижада келгусида ўрмонларни кўпайтиришга маҳаллий аҳолини жалб этиш ва уларнинг қизиқишини ошириш мақсадида ўрмон фонди ерларини белгиланган муддатларга аҳолига шартнома орқали бириктириш моделлари ишлаб чиқилади. Ушбу йўналишдаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш бўйича халқаро платформани ташкил этиш юзасидан Марказий Осиё давлатлари ўрмон хўжаликлари билан музокаралар олиб борилаётгани ҳам диққатга сазовор. Бу каби ишлар эса яқин келажакда ўз самарасини беришига ишонамиз, албатта.

**Қувондиқ ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси.**

## Нукусда қум бўрони

*Муаммонинг долзарблигини шу кунларда Оролбўйида рўй берган офат ҳам тасдиқлайди. Шу йилнинг 14 июнь куни кечқурун Нукус шаҳри ва унга яқин туманларда қисқа муддатли туз аралаш қум бўрони содир бўлди.*



Ушбу табиий ҳодиса натижасида Нукусдаги бир нечта кўп қаватли тураржойларнинг том қисмига шикаст етиб, дарахтлар ҳамда симёғочларнинг қулаши кузатилди.

"Ўзгидромет" вакилларининг маълум қилишича, бу аномал жараён эмас, балки мамлакатимиз Шимоли-Ғарбий ҳудудига хос ҳодисадир. Зеро, шу куни кучли шамол эсиши тахмин қилинган эди. Ҳолбуки, бундай пайтда чанг ҳамда тузларнинг ҳавога кўтарилиши табиий ҳолдир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.**

Анжуман

## 200 нафардан ортиқ талабалар сув хўжалиги тизимида ишлайди

*Ҳар қандай соҳада самарадорликка эришиш замонавий, мустақил фикрлайдиган, билимли ва ташаббускор кадрларга боғлиқ. Бундай мутахассислар эса олий ўқув юртларида шаклланади. Шундай экан, айни пайтда вазирлик ҳамда идоралар, корхоналар таълим муассасалари билан қандай алоқа ўрнатмоқда? Билимли кадрлар етарлими?*

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шу каби саволлар жавоби хусусида фикр юритилди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2018 йил 17 апрелдаги қарорига мувофиқ, ташкил этилган вазирлик тизимига ҳозирги кунда 280 та бюджет, 72 та хўжалик ҳисобидаги ташкилот бириктирилган бўлиб, уларда қарийб 40 минг нафар мутахассис-ходимлар фаолият юритмоқда. Шуларнинг 7400 нафари олий маълумотли мутахассис бўлса, 18256 нафари ўрта махсус ва 14267 нафари ўрта маълумотга эга.

Мамлакатимиз сув хўжалиги тизимига мутахассис-кадрлар, асосан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан етказиб берилади. Шу боис вазирлик билан ушбу институт ўртасида тузилган шартномага кўра, талабалар ўқув-танишув ва ишлаб чиқариш амалиётларини тизимдаги ташкилот ҳамда корхоналарда олиб боради. Қолаверса, тизимни малакали кадрлар билан тўлдиришда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда унинг Бухоро филиалини охирги уч йилда тамомлаган битирувчиларнинг маълумотлар базаси шакллантирилгани қўл келмоқда. Яъни айни шу ҳамкорлик натижасида 300 га яқин ёш мутахассислар соҳага жалб этилди.

Институтни жорий йилда давлат гранти асосида битираётган 200 нафардан ортиқ талабалар Сув хўжалиги вазирлигининг йўлланмаси орқали тизим ташкилотларига ишга юборилади. Аҳоли яшаш ҳудудларидан узоқда жойлашган объектларга ишга борганлар тураржой ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади.

Шу тарзда келгусида ҳар йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда унинг Бухоро филиалини ирригация ва мелиорация йўналишлари бўйича давлат гранти асосида битирганлар вазирлик йўлланмаси билан ишга жойлаштирилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).**

## Томчилатиб суғориш технологияси: Харажат камайиб, ҳосил кўпаяди



Қашқадарёда Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳамда бу усулнинг афзалликларига бағишланган республика минтақавий семинари бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2018 йил 27 декабрдаги "Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Сув хўжалиги вазирлиги, Сув муаммолари институти олимлари, сув хўжалиги ва ирригация тизими вакиллари, томчилатиб суғориш бўйича масъул мутахассислар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, пудратчи ташкилотлар иштирок этди.

Семинар қатнашчилари дастлаб Аму — Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида ташкил этилган Сув хўжалиги музейи ва бошқа объектлар фаолияти билан танишдилар. Шундан сўнг томчилатиб суғориш технологиялари бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи "Қарши термопласт" корхонасига ташриф буюришди.

***МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА,***
***томчилатиб суғориш бўйича ишлаб чиқилаётган бир қатор янги технологиялар мураккаб ҳудудларда ерни намлантириш орқали сувни айнан ўсимлик илдизи жойлашган ерга етказиш имконини беради.***
***Мисол учун, оддий усулда сабзавот етиштириладиган майдонларда гектарига 1000 — 1200 куб метр сув сарфланса, томчилатиб суғориш тизими орқали экинни 300 — 400 куб метр сув билан тўлиқ қондириш мумкин.***
***Шу каби минерал ўғит сарфи ҳам бир гектар ерда 400 килограммга камаяди.***
***Бу усулда парваришланаётган ғўза анъанавий майдондагидан анча баравж бўлади. Ҳосил 15—18 кун эрта пишади.***

Сув тақчиллиги кўпроқ сезиладиган Қашқадарё вилоятида томчилатиб суғориш технологиясининг турли усулларини қўллаш ва улардан самарали фойдаланиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Ҳар бир ҳудуднинг тупроқ, иқлим ва сув шароитларини ҳисобга олиб, вилоятнинг чўл туманларидаги суғориш оғир бўлган ерларда кўчма ва эгилувчан полиэтилен қувурлар ҳамда полиэтилен плёнка орқали томчилатиб суғоришнинг илғор усуллари сабзавот экинлари, пахта етиштириш, ғалладан бўшаган майдонларга оралиқ экинлар экиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қўл келмоқда.

Нишон туманидаги "Зиёдилло Фармонов" фермер хўжалиги ва Миришкор туманидаги "Ҳолиқулов Саттор" фермер хўжалиги пахта майдонида давом этган мулоқот жараёнида иштирокчилар бу ерда жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси ва чигит экиш, ғўза парваришида амалга оширилаётган агротехника тадбирлари билан ҳам танишдилар. Шунингдек, Сув муаммолари институти олимлари томонидан лоток тармоқларини таъмирлаш амалий жараёнда кўрсатиб берилди.

Семинар музокара, савол-жавоб ҳамда таклифларга бой бўлди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 20 АПРЕЛДАН 26 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

Хабар

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 4-сон "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156. (2019 йил 22 апрелдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/18-сон "Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-3. (2019 йил 23 майдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 10 апрелдаги 51, 2019-28-сон "Ўзбекнефтгаз" МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақида низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2088-2. (2019 йил 22 апрелдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги 3-2019, 19-ққ, 15-2019-ққ-сон "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3157. (2019 йил 22 апрелдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги 37-сон "Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015-1. (2019 йил 22 апрелдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги 36-сон "Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-1. (2019 йил 22 апрелдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 16-қ/қ,14-2019-қ/қ-сон "Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қарори.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2882-1. (2019 йил 22 апрелдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 329-В-3, 48-сон "Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 8 бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-3. (2019 йил 22 апрелдан кучга кирди).**

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/10-сон "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қарори.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-6. (2019 йил 22 апрелдан кучга кирди).**

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2019 йил 16 апрелдаги 15, 01/ққ-сон "Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

**2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2813-1. (2019 йил 22 апрелдан кучга кирди).**

11. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 31 мартдаги 39-сон "Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-3. (2019 йил 23 апрелдан кучга кирди).**

12. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 78-сон "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларининг 18-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

**2019 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039-1. (2019 йил 23 апрелдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг "Ўзбекнефтгаз" МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақида низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (рўйхат рақами 2088, 2010 йил 19 март), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2088-1, 2017 йил 19 июнь).

**Адлия вазирининг 2019 йил 22 апрелдаги 200-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (рўйхат рақами 3054, 2018 йил 15 август).

**Адлия вазирининг 2019 йил 22 апрелдаги 201-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг "Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 2813, 2016 йил 20 июль).

**Адлия вазирининг 2019 йил 22 апрелдаги 207-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

***Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

# Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай...

*Президентимиз ташаббуси билан муборак Рамазон ойида меҳр-оқибат ва инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлган улуғ тадбир амалга оширилди. 156 нафар Ўзбекистон фуқароси Яқин Шарқдаги уруш можаролари бўлаётган ҳудудлардан Ватанимизга қайтарилди.*

*Ҳеч кимга сир эмас, неча йилдан бери Сурияда бўлаётган уруш жараёнларига бир қанча ўзбекистонликлар ҳам аралашиб қолган. Лекин улар орасида тушуниб-тушунмасдан, адашиб номақбул ишларга бош суққанлар, террорчи гуруҳлар фаолиятининг жабрини кўрганлар ҳам бор. Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари, ҳаётларини яна изга солиб олишлари учун ёрдам беришимиз инсоний бурчимиз эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу савобли ишга қўл урилди.*

## Муносабат

Бугунги кунда оғир ҳаётий даврни бошдан ўтказиб, Ватанга қайтган ҳамюртларимизга жамиятга қайта мослашишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Айтиш жоизки, жабрдийда инсонларнинг ҳукумат томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши, уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этишлари учун зарур шароит яратилгани ҳақиқий олижаноблик бўлди.

Халқимиз табиатан самимий ва тийнати пок элдир. Қадимдан ислом динига эътиқод қилиб келган кишиларимизнинг динимиз асосларини ўрганишга бўлган иштиёқи жуда баланд. Бундан устомонлик билан фойдаланган фитнакор, муғомбир кимсалар одамларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ишончига кириш йўлида динни ниқоб қилиб, баъзида манфур режаларини амалга оширишга ҳам эришмоқдалар. Бироқ Ўзбекистон давлати, меҳр-оқибатли халқимиз оёғи тойиб кетган юртдошларининг қўлидан тутиб қолиб, тўғри йўлга бошлашга қодир.

Сурия деса, Ироқ деса, аксар кишиларнинг кўз ўнгига террорчилар макони келади. Улар ўша ёқларда улоқиб юрган ватандошларимизга ҳам худди террорчига қарагандек қарайдилар. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш керакки, у ерларда юрганларнинг кўплари алдов қурбонларидир. Уларнинг аввал бир мамлакатга тирикчилик учун ишлагани бориб, у ердан янада яхшироқ даромад қилиш мумкин деган сохта ваъдаларга ишониб, қонли ҳудудларга йўл олгани барчага аён.

Адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган, маккорона тарғиботу ташвиқотларга учиб, бузғунчи гуруҳларга аъзо бўлиб, оқибатда ҳаёти буткул издан чиқиб кетган турли ёшдаги кишиларга ёрдам бериш ҳақида Президентимиз куюниб, улар ҳам шу миллатнинг фарзандлари, биримизнинг укамиз, биримизнинг синглимиз эканини айтдилар.

Юртимизга қайтган ватандошларимизга баҳаво ҳудудда махсус жой ҳозирланиб, уларга шифокору психологлар, маҳалла фаоллари, турли давлат ва нодавлат идоралар томонидан барча ёрдам кўрсатилгани бу борадаги фикрларнинг ҳаётий исботидир. Хусусан, бу эзгу ишга Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан 20 дан зиёд отинойилар, 10 нафар имом-хатиб жалб қилинди.

12 июнь куни мазкур санаторийдаги фуқаролар реабилитациясининг биринчи босқичи якунланди. Шу куни эрталабдан улар темир йўл транспорти ва автомашиналарда яшаш жойларига юборилди. Ёши катталарга фуқаролик паспортлари ва болаларга туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар тақдим этилди. Шунингдек, уларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари ва болаларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида моддий ёрдамлар ҳам кўрсатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари ушбу ташаббусни юксак қўллаб-қувватламоқда. Хориж ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида бундай эзгу ташаббусларга юқори баҳо беріляпти.

> ...Конституциямизнинг 22-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди", деб таъкидланган. Ушбу модда юртимизнинг қудратини ва ўз фуқароларига муносабатини ёрқин ифодалайди.

Конституциямизнинг 22-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди", деб таъкидланган. Ушбу модда юртимизнинг қудратини ва ўз фуқароларига муносабатини ёрқин ифодалайди. Негаки, мамлакатнинг иқтисодиёти ночор, ҳарбий жиҳатдан заиф, дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ҳаминқадар бўлса, ундай давлат ўз фуқароларини ҳимоя қилишга на куч, на жасорат ва на имконият топа олади.

Ислом динида меҳр-шафқат ва кечиримлиликка кўп даъват қилинган. Негаки, раҳм-шафқат қилиш Аллоҳ таолонинг меҳрибонликларидан биридир.

Аллоҳ таоло "...Агар сизлар (уларни) афв этсангизлар, койимасангизлар ва кечирсангизлар, у ҳолда, албатта, Аллоҳ (ҳам) мағфиратли ва раҳмлидир" (Тағобун, 14), деб таълим беради. Ушбу ояти каримадан англашиладики, агар бизга моддий-маънавий зарар етказган кимсани кечирсак, Аллоҳ таоло уни ўша гуноҳи учун кечирар ва яна унинг гуноҳидан ўтганимиз учун бизнинг гуноҳимиздан ҳам ўтар экан.

Аёнки, бирор номақбул ишга қўл уриб қўйган одам ўша қилмишининг хато эканини қалбан ҳис қилиб, пушаймон бўлса-ю, унга яна бир имконият берилса, у давлат ва жамиятга кўп фойда етказади. Унинг самимий афсус-пушаймони унга куч беради. Бинобарин, Аллоҳ таоло "Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас, сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан дафъ қилинг! (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ содиқ дўст каби бўлиб қолур" (Фуссилат, 34), деб марҳамат қилган. Яна Аллоҳ таоло айтади: "...(ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир (яъни ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир). Энди ким (интиқом олишга қодир бўлгани ҳолда) афв қилиб (ўртани) тузатса, бас, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У зулм қилгувчиларни севмас" (Шуаро, 40).

Қадим давлатчилигимиз тарихида ҳам меҳр-шафқат, кечиримлиликка оид ҳужжатлар кўп учрайди. Жумладан, Амир Темур ўз "Тузуклар"ида "Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтарганлар, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, агар улар илтижо билан тавба-тазарру қилиб келсалар, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим...", дейди. Соҳибқирон бобомизнинг бу иши Қуръони карим кўрсатмасига ҳамда Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқдир.

Ривоят қилишларича, бир аъробий Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга етиб олиб, хирқаларидан қаттиқ тортган, ҳатто, хирқа ҳошияси бўйинларида из қолдирган. Кейин: "Эй, Муҳаммад, Аллоҳнинг молларидан менга ҳам бер", деб қўпол муомала қилганида ҳам, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам унинг муомаласидан кулиб қўйдилар. Ва унга бирор нарса бериб юборишни буюрдилар *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)*.

Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг кечиримлилик ҳақидаги оятига мувофиқ иш тутгани туфайли ўша аъробийга ўхшаганлар у зотнинг содиқ умматларидан бўлиб, дин ривожига хизмат қилдилар. Зотан, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам "Одам боласининг ҳар бири ҳам гуноҳ қилади, аммо уларнинг ичида энг яхшилари, қилган гуноҳларига тавба қиладиганларидир", деб марҳамат қилганлар.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний "Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси, давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамоғи адолатга боғлиқдир", деб ёзганида қанчалар ҳақ гапни айтган эди.

Сурия давлатидан Ўзбекистон заминига етиб келган, самолётдан тушгани заҳоти юрт тупроғини ўпган аёллару ёшларнинг кўрган-кечирганлари — мусофирчилик азоблари, қўрқув, даҳшат, хўрлигу ҳақоратлар ортда қолгани рост, Инша Аллоҳ! Чунки уларнинг тақдири Ўзбекистон деган муаззам мамлакатнинг халқпарвар раҳбари эътиборидадир. Ушбу раҳбарнинг шиори эса одамлар қалбига эзгулик, меҳр-шафқат уруғини қадашдан иборат. Бинобарин, буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомиз айтганидек:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.*

Демак, улуғ айём кунларида Суриядан Ватанимизга қайтган инсонларнинг қалбида ҳам, хонадонларида ҳам қўшалоқ байрам бўлгани, шубҳасиз. Бундан элимиз ҳам ғоят мамнун. Зеро, меҳр-мурувватли, кечиримли, бағрикенг халқнинг ҳаёти файзли, келажаги нурафшон бўлади, Инша Аллоҳ.

**Усмонхон АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

# ХАЛҚАРО КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ

## АНИҚ МАҚСАДЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

*Яқинда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкида Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг ижрочи директори Айман Амин Седжини бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.*

*Мазкур тадбир Президентимизнинг 2017 йил 20 декабрдаги "Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил қилинди.*

*Шу маънода, у халқаро молия институтлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида муҳим аҳамият касб этди.*



## Молия муассасаларида

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг июль ойида "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки делегациясининг Жидда шаҳрига (Саудия Арабистони) ташрифи давомида молия муассасамиз ҳамда Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси ўртасида битим имзоланган эди. Шунга кўра, корпорация томонидан ажратилган 7 000 000 АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси бир ой мобайнида ўзлаштирилди. Яъни ушбу маблағлар асосида саноат, қурилиш соҳасидаги бир қатор инвестициявий лойиҳалар молиялаштирилди. Натижада республикамиз бўйича 50 га яқин иш ўринлари яратилди.

— Бугунги кунда Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси халқаро даражадаги муҳим ҳамкорларимиздан бири ҳисобланади, — дейди "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки бошқаруви раиси Сардор Нормуҳамедов. — Яна шуни ҳам айтиш керакки, ўтган 25 йил мобайнида банк молиявий хизматлар бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаб, ўзига хос иш услубини яратишга муваффақ бўлди. Хусусан, кенг мижозлар базаси яратилди.

Айни пайтда республикамизда мазкур молия муассасасининг 11 филиали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатмоқда. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси томонидан ажратилган кредит линияси банкнинг халқаро бизнесни ривожлантиришида айни муддао бўлмоқда.

Ишчан кайфиятда кечган учрашувда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки фаолияти натижалари ва ўзлаштирилган кредит линиялари ҳақида батафсил маълумот берилиб, ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи сифатида мавжуд молиялаштириш линиясини ошириш имкониятлари ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари хусусида сўз юритилди.

Якунда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Мазкур учрашув ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш билан бирга, банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, одамлар бандлигини таъминлашга замин яратади, албатта.

**Ф. ФУРҚАТОВ тайёрлади.**

Реклама ўрнида

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ янгиликлари

### Ҳужжат топширишдаги қулайликлар

*Жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлигача абитуриентлар Тошкент давлат юридик университети ҳамда Қорақалпоқ, Гулистон, Фарғона, Самарқанд давлат университетларига доимий рўйхатда турган жойидан қатъи назар, давлат хизматлари марказлари (ДХМ) орқали соддалаштирилган тартибда ҳужжат топширишлари мумкин.*

Бунда фақатгина фуқаролик паспорти (паспорт ёшига етмаганлар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома), умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини битирганлиги ҳақидаги ҳужжат (иловаси билан) талаб этилади.

Имтиёзга эга бўлган абитуриентлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиши лозим.

Бу йил эмас, яъни аввалги йилларда таълим муассасасини битирган абитуриентлардан ЭКИҲнинг 50 фоизи (101365 сўм) миқдорида тўлов ундирилади.

### Шаҳрисабзда 2 та ОТМнинг филиали очилди

*Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиаллари ташкил этилди.*

Филиалларда ўқув жараёни 2019/2020 ўқув йилидан бошланади ҳамда талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика ОТМларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қарши давлат университетининг Шаҳрисабз академик лицейи бино ва иншоотлари — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети филиалига, Шаҳрисабз енгил саноат касб-ҳунар коллежи бино ва иншоотлари эса Тошкент кимё-технология институти филиалига берилди.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А.Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6